

BUYRUQ

«26» 12 2025,

134/2-sonli

Toshkent sh.


Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини  
такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларни тўғрисида” ПҚ-240-сон ҳамда 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5177-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон қарори (1-банди) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Шу муносабат билан, “Йўлқурилиш” АЖ таркибидаги масъулият чекланган жамиятлар томонидан тизимда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни тўғрисидаги маълумотлар ҳар йили 15 февралга қадар акциядорлик жамиятининг “Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими”га тақдим этилсин.
4. Комплаенс ва коррупцияга қарши курашиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг ижросига асосан рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари ижроси тўғрисидаги маълумотлар E-anticor.uz электрон платформасига юклаш борилсин.
5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни раис ўринбосари в.б. А.Аулов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув раиси



Р.Ерниязов